

Саида  
Зуннунова

**ҚИЗЛАРЖОН**


Саида Зуннунованинг «Қизларжон» тўплами шеърларининг сўнгги йиллар ичида яратган энг яхши шеърларини ўз ичига олади. Бунда шонли партияни, жонажон Ватанни шарафларини «Қизларжон» тўпламида бахтиёр оналик ҳисси ва ифодаловчи ҳароратли шеърларни ҳам ўқийсиз.

Зуннунова С.

Қизларжон. Шеърлар. Т., Уздадабийнашриот  
1962.

72 бет.

Зуннунова С. Дорогие девушки.



## Ш Е Ъ Р Ё З С А М...

Шеър ёзсам юрагим симобдай эриб,  
Юзимга балқийди ундан аланга.  
Ҳаётдай чиройли, умрдай ширин  
Ҳеч нарса йўқ каби бўлади менга.

Шеър ёзсам дунёда ҳамма гўзаллик  
Йиғилиб келгандай бўлар қошимга.  
Нурдек тиниқ ўйлар, оташин ўйлар  
Қўшиққа шайланиб кезар бошимда.

Шеър ёзсам тошлар ҳам бағрини очиб  
Кўрсатган бўлади қалбда борини.  
Қишда ҳам шивирлаб кўм-кўк япроқлар  
Бирга чертишади кўнглим торини.

Шеър ёзсам ёшлигим кетмайди нари,  
Ишқ мени олади иссиқ қўйнига.  
Мисралар муҳаббат, садоқат бўлиб,  
Маҳкам чирмашади ёрнинг бўйнига.

Шеър ёзсам ҳайқиргим келар оламга,  
Қалбим сатрларга сирмай энтикар.  
Довдираб қоламан, гўё қаламим —  
Қўйган ҳар нуқтага минглар кўз тикар.

Бу кўзлар сизники азиз ўқувчи,  
Мени шоир қилган муҳаббатингиз.  
Сиз учун куйлайман, сизни ўйлайман,  
Қалбимда яшаркан улуғ отингиз.

1959 йил





## Қ И З Л А Р Ж О Н..

Севги ўт ташласа юрагингизга,  
Ойдин тун бермаса тинчлик ва уйқу.  
Олам куйлагандай кўринса сизга,  
Ҳамда асир этса ажиб бир туйғу,  
Тасалли излайсиз ҳисларингизга,  
Ғазаллар ёдлайсиз варақлаб китоб.  
Гулдек қалбивгизни яшнатар шунда,  
Севги сатрлари бўлиб офтоб.  
Шундай кезде қизлар пок ишқингизга,  
Таржимон бўлолса биронта байтим,  
Сирдош бўлиб қолсам ҳамиша сизга,  
Шу менинг орзуйим, шодлигим, бахтим.

*1959 йил.*



## СОҒИНИШ

Тўлиб-тошиб сайрайди булбул,  
Сеҳрли тун тинчини бузиб.  
Уйқу таслим этолмай гаранг,  
Сендан хаёл, кўнглимни узиб.

Хаёл тинмай сенга судрайди,  
Ойнинг ипак нурига ўраб.  
Севги қурғур шундай зўр экан,  
Ултирмайди ақлингдан сўраб.

Осилади шамол бўйнига,  
Кутншга йўқ тоқати бир зум.  
У кетади, қуруқ ва бўм-бўш  
Сурат бўлиб қоламан ўзим.

Атрофингда бўлиб парвона,  
Яна қайтиб келар ўзимга.  
Мисраларга айланар юввош,  
Бўйин эгиб хоҳиш, сўзимга.

Хат ёзишга тушаман яна,  
Билолмайман бу нечанчися.  
Гуфён қилган асаблар зора,  
Шу хат билан бир оз тинчися.

Нэри суриб бор андишани  
Юрагимни тўкиб соламан.  
Хат кетади, ҳар гал йўлингга  
Умид билан қараб қоламан.





## К И З И М   Н О Д И Р А Г А

Уйқуга зор бұлиб, мудраб тепангда,  
Ярим юмуқ кўзимни кўзингдан үзмай,  
Шу азоб лаззатин шеърга соламан,  
Хатто пичирламай, тивчингни бузмай.

Битта ижирғансанг, нима қилсам деб,  
Юпатиш кўйида минг тўлғанаман.  
Гоҳ ётиб, гоҳ туриб ҳар бир шарпангдан  
Юз бор мизғийману, юз уйғонаман.

Тун ярим, қушлар ҳам уйқуда ҳозир.  
Сувлар ҳам тингандай... жимжит ҳамма ёқ.  
Гўё шабада ҳам япроқда мудраб  
Қалбим алласига солади қулоқ.



Фақат мен уйғоқман, ҳорғин, бахтиёр.  
Хушбўй нафасингга тўймайман, ҳидлаб.  
Охир чидолмайман, уйқунгни бузиб,  
Юзингга оҳиста тегизаман лаб.

Ана, сўнгги юлдуз хиралашди-ю.—  
Кўкда эриб кетди, тонг отди оппоқ.  
Ойнага қарайман ҳолимдан кулиб.  
Кўйлақларим гижим, сочларим пахмоқ

Аммо ўзим тетик, яхши посбондай  
Мамнунман, қалбимда виқор тошади.  
Шу элнинг кичкина гражданини  
Сафга қўшмоқ учун кўнглим шошади.

Онаман, истайман, етук бўйини,  
Ақлу идрокининг камолин кўрсам.  
Кўнглида, кўзида, иши, сўзида,  
Инсон деган номнинг жамолин кўрсам

Қизим жилмаяди уйқу аралаш,  
Гўёки ҳисларим беради ҳузур.  
Оппоғим, уйқусиз ўтган шу оқшом,  
Езилган шеър учун сенга ташаккур.

*1960 йил*



## КОМСОМОЛГА

Абардаст қадамнингнинг зарбидан, товушидан  
қийн коммунизмнинг гимнини эшитаман.  
Айрату қувонч, ишққа тўлиб ҳар бир ишингдан,  
Меҳрингда қалбим ёниб шеъримни пиштаман.

Оламга кўз-кўз бўлган, олам кўз тиккан ёшлик,  
Атани халқ ҳар қанча фахрланса арзийди.  
Ленинча садоқати, ленинча ақл-идрок,  
Отан шундай бўлмоқлик ёшлигимиз қарзийди.

Партиямизнинг буюк, ҳаётбахш таълимоти  
Ангилмас қудрат бўлиб сингиб кетган қонингга.  
Унинг учун дўстга зўр ҳурмату оқибатинг,  
Унинг учун ўлмаслик битган азиз жонингга.

Комсомол йўлланмаси қўлга тегди дегунча,  
Хар қандай мушкул ишнинг ечилади чигали.  
Голиб, қутлуғ қадамнинг ҳали бориб етгунча  
Яна қанчалаб йшлар кутиб ётибди галин.

Бўлғуси шаҳарларнинг энг биричи уйда,  
Каттакон иш устида тўйлар ўтади баъзан.  
Шу ерни обод қилиш келин-куёв ўйда,  
Қадаҳлар жарангида иқбол ётар муаззам.

Кўрашларда тобланган жўшқин, қаймоқ ёштар  
сан.

Пахтазорда мақтовнинг, заводларда доннинг б  
Қаерда меҳнат, ақл тантана қилар экан.  
Уша жойда тилларда дoston бўлган номнинг б

Навқирон шу ёшингни яшнаган гулми десам,  
Гуллар ўзи унади ҳар бир босган изингдан.  
Узингни ишққа тўлган покиза дилми десам,  
Покиза диллар чиқмас буйруғингдан, измингдан.

Забардаст қадамнингнинг зарбидан, говушидан  
Яқин коммунизмнинг гимнини эшитаман.  
Ҳайрату қувонч, ишққа тўлиб ҳар бир ишинг  
Меҳрингда қалбим ёниб шеъримни пишитаман  
1958 йил.



\* \* \*

Қадрласанг инсонлигингни,  
Вафо қилсанг ўзингга ўзинг.  
Фақат, фақат шунда мен билан  
Тўғри келур тақдир — юлдузинг.





\* \* \*

Анҳор лабида жуфт-жуфт соялар,  
Жилмайиб ўтаман кўз қирин ташлаб,  
Гоҳ хаёл қурмагур олиб кетади,  
Баҳона топгандай ёшликка бошлаб.

Йўқ-йўқ, мен турмадим оёлин тунларда  
Сувлар ёқасида ишқ ўтида маст.  
Мен бундай дамларки йўлга термилиб  
Интизор ўтказдим ҳар он, ҳар нафас.

Ёшлигим, умримни, ҳаловатимни  
Мардона топшириб вафо қўлига,  
Ойларни, йилларни минутлаб санаб,  
Туну кун қарадим ёрнинг йўлига.

Ҳали бегонайдик ажралишганда  
Кўришдик жуда ҳам қадрдон, иноқ.  
Юлиб олса ҳамки ҳижрон ёр васли,  
Қилиб кетган экан унга яқинроқ.

*1959 йил.*





## СЕНИ УЙЛАГАНДА

Йиллар ўзи билан ёшлик ва ишқни  
Судраб кетолмаскан йўқлик қаърига.  
Шу кунда негадир ўйлайман сени,  
Негадир кетмайсан кўздан нарига.

Кўзингни севардим, жуда севардим,  
Лекин уялардим, боқолмасдим тик.  
Олдингда бошимни эгиб турардим.  
Ортингда термилиб қолар эдим тек.

Болалик ҳаваси десам у чоғни,  
Чинакам ишқ экан, энди тушундим.  
Сени ўйладиму, қалбимда илҳом  
Туғён қила кетди, қололмадим жим.

Сени ўйладиму, нурга бурканди  
Юз турли ранг билан товланиб олам,  
Қорларни кўтариб бинафша унди  
Сенинг ҳаётигга қалб шўнғиган дам.

Сени ўйладиму, роҳатбахш шамол  
Юздан ажинларни сидириб кетди.  
Сочга оралаган оқни юлдими,  
Ҳарқалай ёшликни қидириб кетди.

Ўйлайман, ўйлайман, не учун сени  
Унутиб бўлмайди, не хислатинг бор.  
Сабаби, азизим, кўнглинг ва ишқинг  
Жуда тоза экан, жуда беғубор.

*1957 йил*







\* \* \* .

Қуёш чиқди, гул япроғига  
Тунда қўнган шабнам эриди.  
Қон югурди ол ёноғига,  
Барги ғубор — чангдан ариди.  
Келганида ёринг — қуёшинг,  
Тарк этганда сени қижрон, ғам,  
Шабнам каби ариб кўз ёшинг,  
Шу гул каби яшнадинг, эркам.

1958 йил.



\* \* \*

Не истайсан, дейсан, истакларимнига  
Чеки йўқ, эшитсанг, мен сўзлай берсам.  
Истайманки, аввал ишқ, илҳом бўлиб,  
Бир баҳор мисоли қалбингга кирсам.

Яшил япроқларга беркиниб бир зум,  
Уйинг, ҳисларингни ўғирлаб олсам.  
Юзингда балқисам бўлиб табассум,  
Сен учун бир умр бахт бўлиб қолсам.

Гуллар жилвасида боқиб мулойим,  
Кўнглингни чорласам, бермасам ором.  
Истагим — ошигим бўлсанг беқарор,  
Бутун борлигингни эта олсам ром.

Куй бўлиб элитсам баъзан бир нафас,  
Тинглашни сира тарк этгинг келмаса.  
Умримга қилиб сен ҳасад ҳам ҳавас,  
Ёнимдан бир зумга кетгинг келмаса.

Истайманки, кўнглинг кўнглимдек бўлса,  
Орзу, ўйларингни кўролсам аён.  
Истагим — қўшалоқ очилган гулдек,  
Меҳнат, муҳаббатда турсак ёнма-ён.

1958 йил.





## Т Е Р И М Ч И Қ И З Г А

Шу чевар қўлларнинг иш, маҳоратин —  
Истардим, шеъримда тасвир этолсам.  
Истардим, қалбдаги бор ҳароратим  
Қўшиққа жо қилсам, таъсир этолсам.

Офтобдан бўртибди юзинг ширмондай.  
Бўйнингга қордай оқ этак боғлабсан.  
Пахтани бағрингга босибсан жондай,  
Гўёки, азизим, бахт қучоқлабсан.

Бахт деган нечоғлик улуг бўлса ҳам,  
Узи вафо билан меҳнатнинг қули.  
Беҳуда ўтмасин бу ғанимат дам,  
Чевар, чаққонлигин қўймасин қўлинг.

Пахтазор ишқида турасан тонгда,  
Пахтазор ишқида отади тонг ҳам.  
Қуёш кўзин йиртиб чопар ортингдан,  
Муборак изингдан қадам-бақадам.


Сенинг йўлинг, синглим, қуёшдек порлоқ,  
Саодат, шарафга тўлиқ, ёруғ йўл.  
Меҳнат ҳосилингни йиғарсан бу кун,  
Исрофга йўл қўйма, ҳушёр, бардам бўл.

Садаф тишларини очган чаноқлар  
Хандон ташлаб кулган қизлардай сулув.  
Бармоқ тегишига маҳтал, чарақлар,  
Тезроқ тер, кутмасин, тўкилмасин у.

Тўкин дастурхонинг, шуҳрат, обрўинг,  
Қўш-қўша кўйлагинг пахтанг туфайли.  
Биламан, орзунгни, сириггни, тўйинг —  
Колхозинг тўйига улансин, майли.

Бахт деган нечоғлик улуғ бўлса ҳам  
Ўзи вафо билан меҳнатнинг қули.  
Беҳуда ўтмасин бу ғанимат дам  
Чевар, чаққонлигини қўймасин қўлинг.

1055 *аш*




## Е Ш И М Н И С У Р А М А...

Ешимни сўрама, бемаъни бу оқ  
Оралай бераркан сочларга ҳар вақт.  
Шу ўтган озгина умримга бироқ,  
Ҳеч вақт ачинмайман, шунинг ўзи бахт.

Хиёнат, ғийбатни билмадим сира,  
Нодонлик йўлига қўймадим оёқ.  
Ишқим бўлсин дедим нурдек покиза,  
Балки, шунинг учун сочимдаги оқ.

*1957 йил.*



## **С Е Н Ҳ А М Ш У Н Д А Й М И Д И Н Г...**

Бир вақтлар ўлтириб ўйлардим гоҳи:  
Қизиқ, ким бўларкии умр йўлдошим.  
Кўнглим, ҳисларимни англармикан у,  
Койитиб тўкмасми кўзимдан ёшим.

Билмасдим ким ўзи ва яшар қайда,  
Лекин ҳурматини сақлар эди дил.  
Ёнимда сезардим уни ҳар жойда,  
Ўйлардим кўзига боқсам деб дадил.

Сен ҳам шундаймидинг, айтчи, азизим,  
Севганмидинг мени кўрмасдан туриб.  
Сувлар ёқасида хаёл суриб жим,  
Излармидинг мени боғларда юриб.

Гулларга шивирлаб ишқинг, сирингни,  
Вафо, садоқатдан сурганмисан ўй.  
Йўқса, мақтамагин менга кўнглингни,  
Йўқса, муҳаббатдан гапирмаёқ қўй.

*1957 йил.*







## Т О Ш К Е Н Т    Г У Л Л А Р И

Эҳ Тошкент гуллари, кўп нафис гуллар,  
Бир ғубор топмайсиз япроқларида.  
Қизлар кулгисидек чиройли, маъсум  
Қизлар кулгиси бор ёноқларида.

Анвойи ранглари энтктиради,  
Диллар яшаради. кўзлар яшнайди.  
Эҳ гуллар, ҳамиша сизга ташнаман,  
Юрагим ҳамиша сизга ташнайди.

Узиб тутмагунча азиз дўстларга  
Таъриф қилолмайман жамолингизни.  
Ҳидлаб, юзин суртмай япроғингизга  
Ҳеч ким ҳис қилолмас камолингизни.

Хиёбон кезаркан кўнглим, хаёлим,  
Ювилган, топ-тоза баргларда қолди.  
Ўзим қўшиқ бўлиб қайтдим уйимга  
Хотирим яшнаган паркларда қолди.

Бир хаёл сингари сархуш, бахтиёр,  
Қаламга тутиндим келиб оҳиста.  
Эҳ Тошкент гуллари, кўп латиф гуллар,  
Меҳрим, муҳаббатим ҳамиша сизда.





## Қ И З И М Г А

Гулларга термилиб баъзан юзингни  
Тасаввур қилардим қалбда яширни.  
Балки, шунданмикан, кўзимга қизим,  
Ўтдек ёнишингнинг сабаби, сирни.

Қора кўзликларга боқиб суқ билан,  
Шундай бўлса дердим ёниб, энтикиб,  
Лабингни излардим атир гулининг  
Олов ғунчасига кўзимни тикиб.

Қалбу фазилатни йиғиб кўплардан  
Бир инсон ясардим мукамал, улуг.  
Биламан, оналар хаёли ҳар вақт  
Юксак тилакларга, орзуга тўлиғ.

Тоза виждон билан, содда қалб билан,  
Ардоқлаб ўстирсам, сева олсам чин.  
Иложи йўқ шу хислатлардан  
Юрагингга тушмасдан учқун.






\* \* \*

Мунча яхшисан қизим,  
Упган билан тўймайман.  
Ғашингга тегиб баъзан,  
Ялаб-юлқаб қўймайман.  
Уйлайманки, ҳеч олим,  
Математик, муаллим,  
Миллион-миллион сонларни  
Кўзни юмиб битганлар,  
Минг ҳисоблаб, минг ўлчаб  
Юлдузгача етганлар,  
Барибир билолмайди  
Упичларим ҳисобин.  
Барибир битолмайди  
Менинг меҳрим китобин.

Мунча яхшисан қизим,  
Упган билан тўймайман.  
Юзингни ялайвериб,  
Ювишга ҳам қўймайман

*1961 йил.*





## А Л Л А

Қундузим десам ҳам оз,  
Юлдузим десам ҳам оз.  
Дуиёда нима гўзал —  
Бўлса, ундан ўзинг соз  
Ором ол, қўзим, алла.

Асалмисан, қандмисан,  
Ғазал, муҳаббатмисан.  
Мунча ширинсан ўзинг,  
Жонимга пайвандмисан,  
Ухла, юлдузим, алла.

Ойни олиб берайми,  
Гуллар териб келайми,

Атрофингда ўргиллиб  
Шамол бўлиб елайми,  
Ухла гул юзим, алла.

Ойнинг шўъласи сувда,  
Ҳамма нарса уйқуда.  
Меҳрим товланиб кетиб,  
Шеър ёзгим келар жуда,  
Ухла, қундузим, алла.

*1960 йил.*







### БА Х О Р Ш Е Ё Р И

Баҳорми боғларга сеп ёйиб кетган,  
Чўлларга чашма-ю, бинафша элтган,  
Парвози кўкларда ойгача етган,  
Баҳорми, баҳорми,— шивирлар еллар,  
Баҳорми, баҳорми?— сўрайди эллар,  
Йўқ, дейман, бу озод инсон меҳнати!  
Бу нима, япроқлар шивирлашими,  
Қирда бошоқларнинг шитирлашими,  
Илк севги лаззати, жавдирашими,  
Бу нима, бу нима,— шивирлар еллар,  
Бу нима, бу нима?— сўрайди эллар.  
Йўқ, дейман, бу тинчлик, бахт ҳаловати,  
Кўкда учиб юрган юлдузлари ҳам,  
Чироқларга тўлган бу нурли оқшом.

Чароғон кундуздан, айтинг, неся кам?—

Дея шивирлайди япроқлар, еллар,

Йўқ, дейман, ўртоқлар, қардошлар, эллар,

Бу инсон ақлининг кўрк, заковати.

Кўзимга кулгандай ер, осмон, тоғлар,

Мевасив кўз-кўзлаб кулади боғлар,

Кулади қардошлар, дўстлар, ўртоқлар,

Кулади қадрдон элатлар, эллар,

Бор бўлсин тинимсиз ўйбоқи еллар,

Бор бўлсин меҳнатнинг бахт, салобати.

Ҳавога тўлибди ажиб бир хушбўй,

Е палов дамланур, бирон жойда тўй,

Қайдан деб бу қўшиқ, бу кулки, бу куй,

Шивирлар япроқлар, шивирлар еллар,

Эшитинг қардошлар ўртоқлар, эллар.

Бу — озод қизларнинг қувноқ қўшиғи.

Қалбимни аллалар ажойиб бир хис,

Урик гулларидек нозик ва нафис,

Ҳаётдай мўътабар, умрдек азиз,

Шувинг учун куйлаган туюлар еллар,

Эшитинг қадрдон дўстлар ва эллар,

Шувинг-чун мен яшаш, ҳаёт ошиғи.



\* \* \*

Учрашув онини кутиб бетоқат  
Қалбим талпиварди, сенга азизим.  
Минутлар судралиб, гўё ўтмай вақт,  
Ширин бир азобда ўртанар эдим.  
Аммо ҳузурингга борардим кечроқ,  
Ҳеч гап ўтмагандай гўё ўзимдан.  
Турардинг термилиб, тоқатинг ҳам тоқ,  
Интизор кўзингга боқардим зимдан.  
Беш минутга шунча диққат бўлибсан,  
Пешонангга тушмиш чизиклар қат-қат.  
Наҳотки, шуинчалик енгилтак бўлсанг,  
Ҳаётни висол деб ўйласанг фақат.

Йўқ, жоним, сўқмоқлар жуда кўп унда,  
Ҳижрон бўлмасайди висол йўқ эди.  
Ҳайрон қилиб қўйдинг, бутун умримни  
Қандай қилиб сенга топширай энди.

*1956 йил.*





## Г А Р М О Н Ч И

Бўз йигит, мен сени тинглайман ҳар кун,  
Сирингга ошнаман, ўзинг билмайсан,  
Юлдузлар чарақлаб, бошланганда тун,  
Гармонга жўр бўлиб, секин жирлайсан,  
Хаёлингда кезар юзлари гулгун.

Анҳорнинг ёқаси, майсалар гилам,  
Кўнглиннга сирдошдек шивирлайди сув.  
Бетоқат ўтасан қўшиқ, куй билан,  
Интизор қилади чиқа қолмай у,  
Биламан, йил каби туюлар ҳардам.

Сен яратган қизни мен яхши билам,  
Деразам рўбарў унинг уйига.


Ишонгил, севали сени-да, у ҳам,  
Елғиз сен яшайсан фикру ўйнда,  
Йўлингга қарайди чиқиб дам-бадам.

Завгор кўзларингга бўлганмиш мафтун,  
Сўзларинг солганмиш қалбига оташ.  
Гоҳида ҳаяллаб қолганинг учун  
Кўнгли бўлар эмиш жуда-жуда ғаш,  
Айтган қўшиғидан англадим бугун.

Қаршингга чиқади қуёшдай кулиб,  
Ўзингни йўқотиб қўясан бир зум.  
Кўзингда порлайди бахт, иқбол бўлиб,  
Унинг юзидаги меҳр, табассум,  
Кўраман, тўймайсан қараб, термилиб.

Бахтиёр ёшликнинг бўлиб куй, мадҳи,  
Шеъримга кирасиз шунда икковлон.  
Биламан, порлоқдир севгингиз бахти,  
Саодат боғида урингиз жавлон,  
Ғам кўрманг, дард кўрманг, қариманг асти,

1958 йил.



### К У З

Кул ранг тоғлар этагидан аста юксалди қуёш,  
Пахтазорни чулғаб олди кокили лента каби.  
Водий бўйлаб меҳр билан бисот ёйган куз—нақ-  
қош,  
Ҳар япроққа тегиб ўтган ёзнинг оловли лаби.

Худди нурдек товланади олтинсимон олмалар,  
Шохлар ўзин кўтаролмас жийда маржонларидан.  
Умр бўйи шарбатининг мазаси лабда қолар,  
Бир шингилни еб кўрсангиз узум ишкомларидан.

Машиналар пахта терар, демак, бу ҳосил пайти,  
Далада ҳам олимларнинг ҳиссаси, кўзи бордир.  
Руль ушлаган йигитнинг мунчалар хушнуд кайфи,  
Балки, ёрин шу кузакда тўй қилар сўзи бордир.

Кўшиқ куйлашиб ўтди турналар чуғур-чуғур,  
Лекин, тарозибоннинг қарамоққа йўқдир вақти,  
Шу пайтда ҳазил билан битта қизи тушмагур  
Келиб унинг чаккасига оппоқ барака тақди.

Шараф, ғурур, саодатга тўлган ҳаётнинг тонгин  
Ана шундай бошлаб берди азиз пахтакор деҳқон.  
Дала бўйлаб қанот қоқди озод меҳнат оҳанги,  
Турна қатор йўлга тушди оқ олтин ортган карвон.

Термиламан, худди расмин чизмоқчи бир  
рассомдай,  
Қар бир гулининг, ҳар япроқининг бўёғи ёдла  
қолар.

Мукаммал бир ғазал учун басталанган мақомдай  
Бутун борлиқ қалб-қалбимга сингиб кетгандай  
бўлар.

Ана шундай туғилади шеър айтмоққа иштиёқ,  
Ана шундай яралади қофия, қўшиқ, ғазал.  
Термиламан, олам гўзал, ҳаёт гўзал ва бироқ,  
Ҳаммасидан шу ҳаётни яратган инсон гўзал.

1977 йил.





## ГУЛХАН АТРОФНДА

Худди гулханингиздай шўх бўлсин, қувноқ  
бўлсин,  
Сизга ёзган шеъримнинг ҳар сатри, ҳар бир баи  
Қалбингиздай оташни, беғубор, қайноқ бўлсин  
Чунки муҳаббатингиз доим кўнглим пайванди.

Токи гуллар атрини мисраларга беркитай,  
Ешлигингиз кўркидай гуркираб турсин унда,  
Сиз куйлаб, ўйнаб туринг, мен эса шеър битай  
Бирга-бирга куйлайлик бу кўзал, сўлим тунда.

Ҳаммангиз ҳам аълочи, бири биридан сара,  
Бири биридан ўткир, доно ўғил-қизларсиз.  
Хулқингиз шунча хушки, ўхшашлиги йўқ сира  
Ватаннинг истиқболи — келажаги сизларсиз.

Бахтиёр ёшлигингиз барқ урган юзингизга  
Боққан сайин бўламан ўз умримдан миннатдор.  
Бийрон-бийрон сўзингиз, кўп равон нутқингизда  
Фикрингизнинг биллурдай тоза, тиниқлиги бор.

Кўкка чирмашмоқчидай авжланар гулханингиз,  
Оламга кўринмоқчи бўлади нури билан.  
Зотан мана шу гулхан эгалари ўғил-қиз  
Дунёга таниқликдир бахти, шуури билан.

Ўйнанг, қувнанг, қувлашинг, роса дам олинг  
токи,—

Янги ўқув йилида дафтарлар «беш»га тўлсин,  
Кўриб ўз фарзандининг қобилият, идрокин,  
Ота-она, муаллим, бутун халқ хурсанд бўлсин.

Сизга атаб шеъримга гуллар атрин беркитай,  
Ёшлигингиз кўркидай гуркираб турсин унда.  
Сиз куйлаб, ўйнаб туринг, мен эса шеърим  
битай,  
Бирга-бирга куйлайлик бу гўзал, сўлим тунда.

1954 йил.



## БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Мунча чиройлисан, фусункор баҳор,  
Мунчалар қалбларга сирдош, ҳамоҳанг.  
Бола чоғимда ҳам этарди мафтун  
Сендаги гўзаллик, алвон турли ранг.

Мойчечак излардим боғларда тентиб,  
Сочимга санчардим қандай гулки бор.  
Истардим шу баҳор қолмаса кетиб,  
Истардим гулларга қўнмаса ғубор.

Фируза осмондан узолмай нигоҳ  
Кўкатлар устида ётардим узоқ.  
Томлардан қизғалдоқ қидирардим гоҳ,  
Гоҳ қушлар йўлига қўярдим тузоқ.

Сочпопук ишқида тиниб-тинчимай  
Ғимирсиб юрардим толлар тагида,  
Бўларди ажойиб латиф бир хушбўй  
Мен таққан ям-яшил тол баргагида.

Урик гулларини тўкиб, тўзғитиб,  
Арғимчоқ учишни севардим жуда.  
Соатлаб турардим хаёлим кетиб,  
Гуллар сузиб ўтса сувлар мавжида.

Қўкатлар ичида қўғирчоғимни  
Аллалаб, ўзим ҳам қолардим мизғиб,  
Гоҳ ялпиз тераркан анҳор лабида,  
Қапалак ортидан кетардим изғиб.

Шунчалар севардим, гулбаҳор сени,  
Ҳали ҳам севаман жонимдан ортиқ.  
Балки шунинг учун тақдирлаб мени,  
Шеърни, шеърятни қилгансан тортиқ.

Оташ солмасайди қалбимга лола,  
Бағрига тортмаса кўм-кўк дала — қир.  
Дилни элитмаса эди шалола,  
Шу шеърни қаёқдан ёзардим ахир.

1957 йил.



## БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Ғуж-ғуж капалакми новдага қўнган —  
Десам, кўтарилди қаққада кулги.  
«Эҳ шоир, афтидан кўзларинг тинган,  
Ғуж-ғуж ғунчалармиз, гуллармиз, биз—бу!»

Йўқ, нега танимай сени гулбаҳор,  
Фақат қилмоқчиман ҳуснингни таққос.  
Ишқу илҳом бериб кўнглимга ҳар бор,  
Юз турли ранг билан товланганинг рост.

Ҳар бўртган куртақдан қилдинг табассум,  
Ҳатто гиёҳларда ғуруринг кўрдим.  
Пойқадамнинг теккан чиройли, маъсум —  
Боғларда ҳуснингга термилиб турдим.

Лекин эътирозим бор андаккина,  
Бир нафас куйлашдан тўхта, қулоқ сол.  
Сўзимни эшити ва қилмай гина,  
Бир умр мен билан, шеърим билан қол.

Сенга атамайман шеъримни бу гал,  
Унда мақталмайди ғунчалар лаби.  
Унда куйланади сендан ҳам гўзал,  
Сендан-да, қудратли инсоннинг қалби.

Одамсиэ чўлларга келиб ҳар йили —  
Кетгансан ўзингдан қолдирмай нишон.  
Инсоннинг меҳнати, меҳри туфайли  
Сендаги чиро-ю ва сендаги шон.

Илк саҳро гуллари қурғоқ дастидан  
Қовжираб қолганда, қайтолмагансан.  
Атлас капалакча бўлиб устида  
Ишқингни уларга айтолмагансан.

Энди чўлларда ҳам гуркирар ҳаёт,  
Бемалол сеп ёйиб яшнайсан сен ҳам.  
Сув олиб, нур бўлиб борди одамзод.  
Ундан сўнг сен бординг қадам-бақадам.

Ҳали булар нима, атом нуридан  
Музларнинг устида қуёш ёқамиз.  
Ҳар биттамыз меҳнат, илм, шуурдан  
Оламга бир баҳор бўлиб боқамиз.

Сўзларимни олиб учишган еллар,  
Новдаларга қўниб жим қолди бир зум.  
Шивирлаб япроқлар, шивирлаб гуллар  
Иқроқ бўлишгандай қилди табассум.

*1955 йил.*





\* \* \*

Бизга ҳурмат билан боққанларида,  
Кўзлар ёнганида севги, ҳавасда.  
Ватаним, ғуруринг қанот бўлди-ю,  
Бағрингда чарх уриб чиқдим нафасда.

Болалар йўл берди, гўдак талпинди,  
Дедилар бизларни дўсту, ҳамсоя.  
Не бахтки, қаерда саодат кулса,  
Ватавим, ҳамиша ўзингсан доя.

Мадҳингда борлиғим шеърга айланди,  
Тупроғу тошингга сифиниб қайтдим.  
Яна меҳрим ортди, яна улғайди,  
Васлингга ошиқиб, соғиниб қайтдим.



Севаман Ватаним, севаман жондан  
Боғингни, чўлингни, ҳар нигоҳингни.  
Иложи бўлса-ю, бағримга боссам  
Ҳатто қолдирмасдан бир гиёҳингни.

1959 йил.  
Урумчи






\* \* \*

Арғувон гуллабди, олтин сирғалар  
Бўйидан ҳавода ажиб бир ҳид бор.  
Тинмай гўнғиллайди асаларилар..  
Боқаман табиат сеҳрига ҳайрон,  
Наҳотки арида шунчалик дид бор.  
Олисдан келгандир, балки, ишқида,  
Гулдан гулни танлаб, қидириб, учиб.  
Нозик фаросат бор гўё ишида,  
Яшайди гулларнинг шарбатин ичиб.  
Эсим танибманки, яшаш, умрнинг  
Завқиңи шарбатдек маъсуд ичаман.  
Бу ҳаёт чиройли хулқу одатга,  
Гулга, фазилатга тўлган бир чаман.

Едимға келади арғувон, ари,  
Едимға келади тотли асали.  
Қизиқ бир аҳволға тушиб қоламан  
Рангсиз кўринади ёзган ғазалим.





### Қ И З И М Г А

Болангиз жуда ҳам тантиқ деб баъзан,  
Таниш-билишларга қилардим таъна.  
Бу бахт машаққати олдида энди  
Ўзим бошим қотиб турибман, мана.

Ҳали тили чиқмай буйруқларини  
Шунча ўтказди бу эрка қизим.  
Билмай ҳам қоламиз баъзан қўлига  
Ўтиб қолганини оила измин.

Мана, кўтар дейди, кўзида ёш йўқ,  
Йиғлаб, галпинади кўзимга боқиб.  
Кўксимга босаман қўйиб ишимни,  
Елгон йиғига ҳам бағрим туюқиб.

Елғондан бұлса ҳам йўқ. йўқ. йиғлама,  
Бир томчи ёш кўрмай кўзингда, қизим.  
Умрингга юз баҳор замондош бўлсин,  
Келақол кўтарай, бахтим, азизим.

Белинг оғримасми дейди кўрганлар,  
Белимга қувват-ку дейман қувониб.  
Юзимга урганда юмшоқ нафаси,  
Бахтдан энтикаман кўзларим ёниб.

Майли, эрка бўлу, тантиқ бўлмагин,  
Яхши эрка бўлур доим элига.  
Ёмон — эрка бўлмас, энса қотирар,  
Яхши — ёғдек ёқар одам дилига.

Биласанми, қизим, бу коинотда  
Онанинг орзуси қучмаган бахт йўқ.  
Онанинг хаёли етмаган бўшлиқ,  
Онанинг хаёли тўхтаган вақт йўқ.

Ана шу тинмаган орзу-ўйларим,  
Меҳнат, муҳаббатим, меҳрим ҳақиға —  
Бир ғубор қўнмасин десанг, оппоғим,  
Эрка бўл ҳамиша юртинг, халқингга.

1961 йил июнь.



## О Н А

Упмоққа тайёрман  
Мухтарам она,  
Кумушдек товланган  
Сочларинг оқин.  
У менга эслатар  
Халқни жонидан,  
Ватанни умридан  
Ортиқроқ севган  
Ботир фарзандингнинг,  
Жигарбандингнинг  
Дилингни куйдирган  
Ўти, фироқин.

Қабрин кўрмагансан,  
Ростмикан десанг,  
Қўлларинг тутмаган  
Муздек жасадин.  
Ишонгинг келмайди,  
Ҳамон кутасан.  
Байрам кунларида  
Қўмсайсан бедор,  
Ҳар оқшом, ҳар саҳар  
Қарайсан йўлга...  
Йиғлама, онажон,  
Уғлинг яшайди  
Порлоқ келажакнинг  
Шараф-шонида,  
Миллионлаб халқларнинг  
Руҳи-жонида  
Уғлинг барҳаётдир  
Уғлинг барҳаёт!  
  
Тоза эди унинг қалби  
Виждони,  
Ўз халқини жонидан  
Севар эди у.

Чунки, Ватанининг меҳри,  
    Фурури  
Озодлик, эркликни  
    Севган қалбига  
Оппоқ сутинг билан  
    Кирганди мангу.  
Шу азиз тупроқда  
    Она, ўғлингнинг  
Йигитлик нафасин  
    Бор ҳарорати.  
Шунинг-чун бу тупроқ  
    Муқаддас, улуғ,  
Шунинг-чун бу тупроқ  
    Жоннинг роҳати.  
Шу азиз тупроқда  
    Унинг жасади.  
Бош эгмай ўтмайди  
    Ундан йўловчи,  
Зиёрат қилгали  
    Келади эллар.  
Теграсин айланмай  
    Кетмайди еллар,  
Қушлар таърифни  
    Куйлаб ўтади.



Ғиғитлар мардлигин  
Сўйлаб ўтали.  
Қизлар гул сочгали  
Келар ҳар баҳор.  
У ерда қурбонлар  
Қонидай бўлиб,  
Лола ранг этагин  
Ейиб уфққа  
Уни эста солиб  
Бошланур наҳор.

Бир вақт қуш учса  
Қанот елидан  
Озор етмасин деб  
Азиз жонига,  
Киприк соясида  
Қўриклаб уни  
Вояга етказган  
Бўлсанг ҳам,  
аммо,  
Халқнинг тақдири деб,  
Халқнинг бахти деб,  
Ҳижроннинг энг аччиқ  
Азобдарига

Оналик меҳри-ла  
Беролдинг бардош,  
Шунинг-чун ҳар базм,  
Тантана. тўйда,  
Қаҳрамон ўғлингни  
Едига олиб,  
Ва сенинг соғлигинг  
Учун шимирар  
Шодлик қадаҳини  
Ҳар кекса,  
ҳар ёш.

Бугун юзингдаги  
Кувноқ кулгуда  
Неваранг бахтининг  
Тантанаси бор.  
Бу бахтни кўксиди  
Парвариш этиб,  
Ардоқлаб,  
Камолга етказган ўзинг.  
Чиндан ҳам букуннинг  
Бутун чиройи  
Бутун гўзаллиги  
Сенинг севгингда

Меҳринг, бардошингдан  
Топди эътибор.  
Шу севги, меҳрда  
Боқсайдинг тошга,  
Қаршингда сув бўлиб  
Эрир эди тош,  
Агар лозим бўлса эди,  
Онажон,  
Сенинг муҳаббатинг  
Ўти олдида,  
Худди бир хас каби  
Ловиллаб ёниб,  
Осмондан узилиб  
Тушарди қуёш.  
Шарафларга чулған,  
Эй, азиз она!  
Коммунист улғайтган,  
Коммунист она!



БИЗ ТИНЧЛИК ХОХЛАЙМИЗ!

*(Уруш оловини ёқувчиларга жавоб)*

Мен совет қизиман, бахтиёр Шарқнинг  
Миллион қизларининг бириман, жаноб.  
Шуларнинг номидан сўзлайман, тингланг,  
Тингланг, ҳақиқатнинг олдида ҳеч бир  
Ҳийла найрангларингиз берганмиди тоби  
Мана. имзо чекдим, имзо чекди ҳинд,  
Имзо чекди Хитой сизни лаънатлаб.  
Имзо чекди тутқун Эрон қизлари  
Имзо чекди халқлар... Демак, урушни  
Албатта, енгажак бу ҳақли талаб.  
Ҳали ёдимизда кечаги жангнинг  
Бошларга келтирган даҳшат, кулфати.  
Ҳали гимнастёрка чўнтаклариди  
Тўрт йил ҳижрон билан ўртанган ёрининг

Сақланур сиёҳи ўчмаган хати.  
Москва ёнида азнэ рус билан  
Ўзбекнинг ҳам тўккан юрак қони бор.  
Атомни пеш қилманг, тупроғимизнинг  
Ҳар бир заррасида тўплар даҳшати.  
Юзлаб атомларнинг кучи — жони бор.  
Йўқ! Уруш бўлмайди! Тинчлик хоҳлаймиз!  
Тинчликни хоҳлайди эрксевар инсон.  
Сиз бўлса туну кун доллар ғамида,  
Американинг ўтмас мис чақасига  
Сотмоқдасиз, жаноб, номусу виждон.  
Карвон ўта берар. уни йўлилан  
Тўхтата олмайди итнинг ҳуриши.  
Қанча қўрқсангиз ҳам коммунизмдан  
Унинг келажаги қуёшдай аниқ.  
Чунки, коммунизм тарихнинг иши.  
Мана, имзо чекдим, имзо чекди хинд,  
Имзо чекди Хитой сизни лаънатлаб.  
Имзо чекди тутқун эрон қизлари.  
Имзо чекди халқлар... Демак, урушни  
Албатта енгажак бу ҳақли талаб!



## БАҲОР ОҚШОМИДА

Кечки пайт ўйноқи шабада билан  
Гитара овози таралди майин,  
Китобни ёпдим, жим қулоқ солдим,  
Дилга ором берди эшитган сайин.  
Охир тинглагани чиқдим атайин.

Қизларнинг давраси, кулки, қаҳқаҳа —  
Мени ҳам қўймади, бағрига олди.  
Нозик бармоқлар-ла чертилган торга  
Кўзим ихтиёрсиз термилиб қолди.  
Бу қўшиқ қалбимга бир оташ солди.

Чал, дўстим, яшайлик, сурайлик даврон  
Ўз Ватан, ўз азиз тупроғимизда.

Сен шундай чалгинки, ҳаттоки бу куй,  
Қариб, юз кўришган бир чоғимизда  
Бугундай янграсин қулоғимизда.

Улуғ Москва бор, демакки, бизни  
Сира тарк этмайди саодат. иқбол.  
Қўшиқ айт, ўртоқжон, тинглай деб чиқдим  
Сўровим келмасин кўнглингга малол.  
Кел, бирга куйлашай, яна шўхроқ чал.





\* \* \*

Сира чидолмайман, қувноқ чеҳрангда  
Қайғунинг шарпаси кезса бир нафас.  
Кўнглимга тикандек оғир ботади  
Сенинг йўлларингда кўрсам хору хас.

Мен уни сочим-ла супуриб олгум,  
Поёндоз деб йўлга жонимни солгум.  
Хоҳ билгил, хоҳ билмагил,  
Садоқатда бир умр қолгум.

Хоҳ билгил, хоҳ билмагил,  
Ҳаммасига мен бўлай рози.  
Ахир нима қилай, ахир не қилай,  
Ишқ учун йўқ экан тошу тарози.





## ДУТОР


Мунча мунгли бу куй, мунча ҳазин бу куй,  
Ошиқ нолашими, ҳижрон дардими?  
Кундуздек сочларга бемаҳал қўнган,  
Кумуш толаларнинг ҳусни, гардими.

Мунча нафис бу куй, мунча майин бу куй,  
Муҳаббат элитган кўнгил розими?  
Умидга, ишончга, орзуга тўлган  
Келин чиройими, қизлар нозими?

Мунча қувноқ бу куй, мунча ўйноқ бу куй  
Ёрнинг вафосими, висол бахtimi?  
Меҳнат, муҳаббатда тобланган дилнинг  
Садоқат яшнатган кўрки, аҳдими?

Қалбни аллалайди, тиним бермайди,  
Ғалати бир ҳиски, тополмайсан ном.  
Гоҳ ўйга толдирар, гоҳ ўйнатдирар,  
Балки, шу шоирлар атаган илҳом.





## И Л Х О М

Болалик чоғимдан тушдим кўйингга,  
Мақтаб ҳаётида кўриб даставвал.  
Ушандан бери мен шайдоман сенга,  
Сен билан севинчим, бахт ва истиқбол.

Қаерга боқмайин, кўраман сени,  
Ойнинг шўъласида, сувинг мавжида.  
Завқ билан тинглайман қўшиқларингни  
Булбул навосида, дотор авжида.

Мен сени тинглайман қувончга тўлиб,  
Субҳидам шамоли эсан паллада.  
Мен сени тинглайман мафтунинг бўлиб,  
Халқим куйлагани ҳар бир яллада.

Бўлиқ пахталарнинг юзига боқсам,  
Иқбол юлдузидек чарақлаб кетдинг.  
Кун демай, тонг демай, ё демай оқшом  
Уйқу бермадинг, дилни банд этдинг.

Станок ёнида донгдор қизларнинг  
Дилбар қўшиғига жўр бўлар созинг.  
Қаерга боқмайин, шодлик ичидан  
Эшитилар, ёз, деган қувноқ овозинг.

Кремль куранти занг урган чоғда  
Ўлмас мисра бўлиб дилга келасан.  
Баҳор кезларида сўлим боғларда  
Оромбахш шабада бўлиб еласан.

Оталар гурури, она қувончи,  
Фарзанднинг кўзида кўраман сени.  
Хулласи, қаерга боқмай, шу қувноқ  
Ҳаётнинг ўзида кўраман сени.

Болалик чоғимдан тушдим кўйингга,  
Мақтаб ҳаётида кўриб даставвал.  
Ўшандан бери мен шайдоман сенга  
Сен билан севинчим, бахт ва истиқбол.

## МУНДАРИЖА

Коммунистлар партиясига . . . . .	
Шеър ёзсам . . . . .	
Қизларжон . . . . .	
Соғиниш . . . . .	
Қизим Нодирага . . . . .	
Комсомолга . . . . .	
Қадрласанг инсонлигингни . . . . .	
Анҳор лабида . . . . .	
Сени ўйлаганда . . . . .	
Қуёш чиқди . . . . .	
Не истайсанг дейсан . . . . .	
Теримчи қизга . . . . .	
Ёшимни сўрама . . . . .	
Сен ҳам шундаймидинг . . . . .	

Тошкент гуллари . . . . .	26
Қизимга . . . . .	28
Мунча яхшисан . . . . .	30
Алла . . . . .	32
Баҳор шеъри . . . . .	34
Учрашув онини кутиб. . . . .	36
Гармончи . . . . .	38
Куз . . . . .	40
Гулхан атрофида . . . . .	42
Баҳорни қаршилаб. . . . .	44
Баҳор билан суҳбат . . . . .	46
Бизга ҳурмат билан боққанларида . . . . .	49
Аргувон гуллабди . . . . .	51
Қизимга . . . . .	53
Она . . . . .	55
Биз, тинчлик хоҳлаймиз . . . . .	61
Баҳор оқшомида . . . . .	63
Сира чидолмайман . . . . .	65
Дутор . . . . .	66
Илҳом . . . . .	68

*На узбекском языке*

**Саида Зуннунова**

**ДОРОГИЕ ДЕВУШКИ**

*С т и х и*

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1962*

Редактор *Заҳиджон Обидов*

Рассом *Л. Рябцев*

Расмлар редактори *И. Нирков*

Техн. редактор *Л. Парникўжаева*

Корректор *И. Қобилов*

Босмахонага берилди 10/1-1962 й. Босишга руҳсат этилди 6/III-1962 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>64</sub>. Босма л. 2,25. Шартли босма л. 2,63. Нашр. л. 1,77. Индекс: б/а. Р 05318. Тиражи 5000. УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 233—61.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатнинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси 21. 1962 й. Заказ № 29  
Баҳоси II т.